

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Рўхсатга олинди
№БД/300.000.000.00-782

2018 йил "8" 08



“СОҶА ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ”

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси		
	100000	Гуманитар соҳа
	200000	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ.
	300000	Ишлаб чиқариш, техник соҳа
	600000	Хизматлар соҳаси
Таълим соҳаси		
	110000	Педагогика
	150000	Санъат
	230000	Иқтисод
	310000	Мухандислик иши
	320000	Ишлаб чиқариш технологиялари
	330000	Компьютер технологиялари ва информатика
	350000	Алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари
	610000	Хизмат кўрсатиш соҳаси
	620000	Транспорт
	630000	Атроф муҳит муҳофазаси
	640000	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги
Тълим йўналишлари		
		Кўрсатилган таълим соҳаларига тегишли барча йўналишлар

Тошкент 201...

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил 18-августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент давлат техника университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: Н.А Ҳашимова ТДТУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси мудир, и.ф.н.
Н.Х.Гулямова – ТДТУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар: М.Л.Турсунходжаев – ТДТУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси профессори
Б.Х.Салимов – ТДИУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси профессори

Фан дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган. (2018 йил 27-июндаги “9” – сонли баённома)

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни.

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш ва шу асосда жамият аъзоларининг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашда иқтисодийнинг етакчи тармоғи бўлган саноатнинг мавзуси алоҳида ўрин тутади.

2017 йилда иқтисодий соҳасида замон талабларига жавоб берадиган янги маъно мазмундаги ва самарали ислохотларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамлар қўйилди. Жумладан, қисқа муддатда 161та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу келаси йил қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Ана шу жуда муҳим соҳанинг иқтисодий асосларини ҳам назарий, ҳам амалий моҳияти ва аҳамиятини тушунадиган бу борадаги барча янгиликлар ва ташкилий ўзгаришларни ҳис эта оладиган ёш мутахассисларни тайёрлашда “Соҳа иқтисодиёти ва менежменти” фани алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу фан дастурида корхонанинг моҳияти ва турлари, уни бозор иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти, ресурслар ва улардан оқилона фойдаланишнинг этиш омиллари ва йўллари ҳамда республикадаги ижтимоий иқтисодий ислохотлар натижалари ва ҳудудий муаммоларнинг менежмент истиқболига таъсири масалаларини қамрайди. Айниқса, саноатни ривожлантириш, хусусан, саноат корхонаси истиқболини белгилаш, корхонада замонавий ва оқилона бошқарув тизимини шакллантиришнинг мақсад ва вазифаларини танлаш, корхонага таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар даражасини баҳолашда ушбу фан алоҳида ўрин тутади.

“Соҳа иқтисодиёти ва менежменти” фани умумқасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 3- ва 4- курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ, гуманитар ва ижтимоий иқтисодий фанлар туркумига киради ва барча ноиқтисодий бакалаврият таълими йўналишларида ўқитилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси.

Фанни ўқитишдан мақсад – иқтисодий модернизациялаш ва саноат тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириладиган шароитда саноат корхонаси фаолиятини бошқариш усуллари ўргатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – саноат корхонасининг иқтисодиёти уни бошқариш, корхона харажатлари, даромади, рақобатбардошлиги, корхоналар самарадорлигини ошириш, унга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар даражасини баҳолаш, корхонанинг инновацион ва инвестицион фаолияти, ишчи кучига бўлган талабларни ўргатиш ҳамда уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабларини назарий билимлар, амалий кўникмаларга дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўника ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилди. *Талаба:*

Саноат корхоналари Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналиши, соҳа ривожининг шу кундаги аҳволи, соҳа меҳнат ресурсларига бўлган талабларни башорат қилиш ҳақида *тасаввурга эга бўлиши;*

Корхонани моддий техника таъминотини ҳосил қилиш ва режалаштиришни, интеграцион жараёнларнинг таъсирини, талаб ва таклифнинг қайишқоқлигини, рақобатли бозорларнинг самарадорлигини, нархни ташкил қилиш сиёсатини, асосий ва айланма воситаларни, инвестицияларни жалб қилишни, инновацион жараёнларнинг хусусиятларини, ходимларни шакллантириш жараёнини, корхонанинг ҳаёт циклини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

Талаб ва таклиф назариясидан фойдаланиш, бизнес режани ишлаб чиқиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

Ш.Асосий назарий қисм.(маъруза машғулотлари)

1-мавзу; Соҳа иқтисодиёти ва менежменти фанининг моҳияти ва вазифалари.

Саноат корхоналарининг тавсифи. Менежмент тушунчаси. Менежментнинг ривожланиш босқичлари. Соҳа менежменти корхона менежменти тизимида. Соҳа менежментининг мақсади ва функциялари.

2-мавзу; Саноат корхоналари ва уларни иқтисодиётни модернизация қилишдаги аҳамияти ва роли.

Миллий иқтисодиётни ривожланиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда корхонанинг ўрни ва роли. Замонавий корхоналар таснифи, корхоналарнинг бирлашмалари. Корхоналарнинг мустақиллиги ва масъулияти.

3-мавзу; Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари.

Асосий фондлар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти. Асосий фондларнинг таркиби ва таснифи. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва уни ҳисоблаш йўллари.

4-мавзу; Саноат корхоналарининг айланма маблағлари, уларнинг шаклланиши ва фойдаланилиши.

Корхонанинг айланма маблағлари ва айланма фондлари тушунчаларининг моҳияти, таркиби ва таснифи. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари. Саноат корхоналарининг айланма маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўрсаткичлари.

5-мавзу; Ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни камайтириш йўллари.

Харажатларнинг иқтисодий мазмуни ва ва моҳияти. Маҳсулот таннархи ва уни ҳисоблаш методлари. Маҳсулот таннархини камайтиришнинг асосий йўллари ва омиллари.

6-мавзу; Фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллиги.

Корхона фаолиятида фойданинг моҳияти ва роли. Фойдани максималлаштириш. Фойдани шаклланиши ва тақсимланиши. Рентабеллик турлари ва иқтисодий таркиби.

7-мавзу; Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва прогнозлаш.

Бозор шароитида режалаштиришнинг хусусияти ва вазифаси. Саноат корхонасининг бизнес режаси. Ишлаб чиқариш дастури, унинг таркиби ва ишлаб чиқиш тартиби.

8-мавзу; Саноат корхоналарининг кадрлари, уларни шаклланиши ва фойдаланилиши.

Корхона персонали, унинг таркиби ва шаклланиш шартлари. Корхоналарда персонални бошқариш. Кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш. Мотивлаштириш тушунчаси мазмуни ва моҳияти. Эҳтиёжлар ва уларнинг турлари. Мотивлаштириш назариялари.

9-мавзу; Саноат менежментининг ташкилий тузилмаси.

Ташкилий тузилишнинг моҳияти ва умумий тавсифи. Ташкилий тузилма турлари: чизиқли, чизиқли штабли, функциональ, дастурли-мақсадли, дивизионал, матрицали. Корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилмасини аниқловчи кўрсаткичлари, параметрлари, омиллари ва белгилари, Бошқарув ташкилий таркибларини такомиллаштириш.

10-мавзу; Саноат корхоналари менежментининг бошқарув усуллари.

Бошқарув усуллари тўғрисида тушунча. Бошқаришнинг ташкилий-маъмурий усуллари. Бошқаришнинг иқтисодий усуллари. Бошқаришнинг ижтимоий-психологик усуллари. Саноат корхоналарида бошқарув услубининг шаклланиши ва уларга қўйиладиган талаблар. Бозор муносабатлари шароитида бошқарув услубининг шаклланиши ва хусусияти. Бошқарув услубларининг туркумланиши.

11-мавзу; Саноат корхоналарида ходимлар (кадрлар)ни бошқариш.

Корхоналарда ходимларни бошқариш. Корпоратив бошқарув тамайлари. Бошқарув тизимида кадрлар ва уларнинг таснифланиши. Ходимларнинг бошқаришнинг вазифалари. Саноат корхоналари ходимлари – жамолар орасида низоларни бошқариш ва бартараф этиш йўллари.

12-мавзу; Саноат корхоналарининг маркетинг фаолияти.

Маркетинг ишлаб чиқаришни бошқариш воситаси. Саноат корхоналарида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш.

13-мавзу; Саноат корхоналарида стратегик бошқарув.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий стратегияси тушунчаси. Унинг элементлари ва омиллари. Иқтисодий стратегиянинг асосий ташкил этувчилари. Иқтисодий стратегиянинг шаклланиш жараёнлари, қоидалари ва усуллари. Ишлаб чиқаришни стратегик бошқариш.

14-мавзу; Саноат корхоналари бошқарувида ахборот ва коммуникация.

Бошқарув жараёнини ахборотлар билан таъминлаш. Корхонада ахборот тизимлари. Ишлаб чиқаришнинг замонавий тизимларида қўлланиладиган коммуникация воситалари ва янги компьютер технологиялари.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

1. Соҳа иқтисодиёти ва менежменти фанининг моҳияти ва вазифалари.
2. Саноат корхоналари ва уларни иқтисодиётни модернизация қилишдаги аҳамияти ва роли.
3. Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари.
4. Саноат корхоналарининг айланма маблағлари, уларнинг шаклланиши ва фойдаланилиши.
5. Ишлаб чиқариш харажатлари ва уларни камайтириш йўллари.
6. Фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллиги.
7. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва прогнозлаш.
8. Саноат корхоналарининг кадрлари, уларни шаклланиши ва фойдаланилиши.
9. Саноат менежментининг ташкилий тузилмаси.
10. Саноат корхоналари менежментининг бошқарув усуллари.
11. Саноат корхоналарида ходимлар (кадрлар)ни бошқариш.
12. Саноат корхоналарининг маркетинг фаолияти.
- 13-мавзу; Саноат корхоналарида стратегик бошқарув.
- 14-мавзу; Саноат корхоналари бошқарувида ахборот ва коммуникация.

Асосий адабиётлар

1. Ортиқов А. Саноатиктисодиёти. Дарслик. -Т.:Сано-Стандарт, 2014. -304 б.
2. Махмудов Э.Х. Экономика промышленных предприятий. Учебник. -Т.-Иқтисодиёт – 2015 . -370 с.

3. Иванов И.Н.,Беляев А.М. и др. Производственный менеджмент. Учебник для бакалавров/ под. ред. И.Н. Иванова. -М.:Юрайт, 2013. -574с.
4. Улашев И.О., Атамуродов Ш.А. Корхона иқтисоди ва менежменти. -Т.: Тафаккур бўстони, 2013.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахей жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истикболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2016 й ПҚ 2692 Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
4. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини гарови”. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2016 йил 8-декабрь.
5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Й., Менежмент -Т.: Ўқитувчи, 2001.
6. Грузинов В.П. Экономика предприятия. Учебник. 2-э издание. –М.: ЮНИИТИ-ДАНА, 2008-295с.
7. Экономика предприятия 3-я изд., пераб. и доп. Учебник для вузов Под ред. В.Я.Горфинкеля, проф. В.А.Швандара-М.:ЮНИИТИ-ДАНА, 2008-718с.

Статистик маълумотлар тўплами

8. Промышленность республики Узбекистан 2018. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2018 – 156 с.
9. Ўзбекистон иқтисодиёти бўйича статистик маълумотлар (2013-2018 йиллар).

Интернет сайтлари

1. <http://www.ziyounet>
2. <http://www.statuz>
3. <http://www.norma.uz>

